● «Ҳосил-88»: «Дала–редакция» телефон линиясида

# ЭКИН МАЙДОНЛАРИМИЗ ҚАНЧА?

**— Кейинги пайтларда баъзи газета ва журналларда республикамиз экинзорлари, жумладан пахта майдонлари, алмашлаб экиш учун ажратилган ерлар ҳажми турлича кўрсатиляпти. Шу муносабат билан «Совет Ўзбекистони» газетаси орқали кенг ўқувчилар оммаси диққатига бу ҳақдаги аниқ рақамлар етказиб қўйилишини ва тегишли тушунчалар берилишини истардик...**

**(Республика Давлат агросаноат комитети ходимлари қўнғироғидан).**

**ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими президиуми раиси, ВАСХНИЛ академиги Ш. АКМАЛХОНОВ шарҳи:**

— Ўтган беш йилликлар мобайнида ялпи пахта тайёрлаш ҳажмининг ошиб кетганлиги алмашлаб экишнинг илмий асосланган схемаси ва пахтачилик хўжаликлари экин майдонлари структурасининг бузилишига олиб келди. Ерларга узоқ муддат фақат пахта экилиши туфайли беда майдонлари қисқариб кетди.

Пахтачиликдаги ташвишли аҳволни ҳисобга олган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига мурожаат этиб, пахта етиштириш план-топшириқларини қайта кўриб чиқиш ва пахтачилик хўжаликлари экин майдонлари структурасини пахта-беда алмашлаб экишнинг илмий асосланган схемасига мувофиқ тартибга солиш ҳақида таклиф киритди.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати республика илтимосини инобатга олиб, 1988 йилдан бошлаб ялпи пахта тайёрлаш ҳажмини камайтирди. Бу йил республикамизда 5 миллион 250 минг тонна, 1990 йилда эса 5 миллион 400 минг тонна пахта тайёрлаш белгиланди. Бу, хўжаликларга пахта-беда алмашлаб экишнинг илмий асосланган йўналишлари бўйича ишларни мақсадга мувофиқ олиб бориш ва асосий маблағларни суғориладиган майдонларни кенгайтиришга эмас, балки эскидан суғориб келинаётган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратиш имконини беради. Инвестиция сиёсатига мувофиқ шу мақсадлар учун ажратилган маблағларнинг 70 проценти энди ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга сарфланади. Бу ишларни амалга ошириш учун 1988 йилда республика хўжаликларида мелиоратив ҳолати ёмон бўлган 65 минг гектар суғориладиган ер ажратилади. Беш йилликнинг қолган йилларида эса ана шу мақсадлар учун 100 минг гектаргача ер ажратилади.

Пахта тайёрлаш план-топшириқларининг камайтирилганлиги пахтачилик тарихида биринчи марта «оқ олтин» етиштириладиган майдонлар ҳажмини бу йил 1987 йилдагига қараганда 100 минг гектардан зиёд камайтириш, беда ва бошқа озуқа экинлари ҳамда сабзавот етиштириладиган майдонлар ҳажмини кўпайтириш имконини берди. Бу йил 2 миллион гектар атрофида ерга пахта, 718 минг гектар ерга беда экилган. Шу билан бирга 270 минг гектар ерда бошқа озуқа экинлари ўстирилаётир. Умуман олганда республика бўйича озуқа экинлари майдони 1 миллион гектарга яқинлашди. 1990 йилга бориб, бу кўрсаткич яна 10 процентга ортади.

Пахтачилик хўжаликларида алмашлаб экишни ўзлаштиришнинг таҳлили экин майдонлари структурасининг бирмунча яхшиланганлигини, пахта майдонларининг ҳажми 1986 йилги 73,4 процентдан 1987 йилда 72 процентга қисқарганлигини, бедазорларнинг умумий ҳажми эса 13,6 процентдан 14,5 процентга ошганлигини кўрсатмоқда.

Алмашлаб экишнинг илмий асосланган схемасини жорий этиш — республика пахта комплексида пахта майдонлари ҳажмини 67 процент, бедани — 22 процент бўлишини таъминлаш, кейинчалик бедазорлар ҳажмини 30 процентга ҳамда бошқа озуқа экинлари ҳажмини 5-6 процентга етказишни кўзда тутади.

Аммо Андижон, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона областларининг қатор районлари ва хўжаликларининг раҳбарлари эскича фикрлашдан воз кеча олмаяптилар. Бу ерларда озуқа экинлари ва сабзавот майдонларини камайтириш ҳисобига пахтазорлар кўпайтирилган: экин майдонлари структурасида кўзда тутилганидан 3—5 минг гектар ортиқ майдонга чигит экилган.

Юқоридаги сабабларга кўра, алмашлаб экишни ўзлаштириш Сурхондарё областида 1986 йилга нисбатан 16 процент, Қорақалпоғистон АССРда 14 процент, Андижон областида 13 процент, Бухоро ва Хоразм областларида 8 процентга камайиб кетди.

Алмашлаб экиш тўла ўзлаштирилган хўжаликлар сони ҳам қисқарди. Андижон областида 1986 йили 14 та хўжаликда алмашлаб экиш тўла ўзлаштирилган эди. 1987 йилга келиб у атиги битта қолди. Самарқанд областида бу кўрсаткич 113 тадан 97 тага, Хоразм областида 22 тадан 11 тага камайиб кетди.

Андижон, Самарқанд, Сурхондарё, Жиззах областларида эса экин майдонлари структурасининг ўзгариши ялпи пахта майдонлари ҳажмининг кўпайиб, бедазорларнинг камайишига олиб келди.

**Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети пахта ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Р. НАЗАРОВ шарҳи:**

— Алмашлаб экишни ўзлаштириш озуқа экинларини камайтириш, пахта монокультураси натижасида илгарилари йўл қўйилган хатоларни тўғрилаш билан чамбарчас боғлиқдир. Аммо ҳозир ҳам айрим колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари пахта тайёрлаш планларини сўзсиз бажариш учун резерв яратиш мақсадида пахта майдонларини пландан ортиқ кўпайтириш ва беда ҳамда бошқа озуқа экинлари экиладиган ерларни камайтириш йўлидан бормоқдалар. Бунда асосан, пахта учун энг унумдор ерлар танлаб олинаётир. Избоскан районидаги «Ленинград», Бўз районидаги Тельман номли, Олтинкўл районидаги Навоий номли, Ғиждувон районидаги «Гулистон», Ҳ. Олимжон номли, С. Айний номли колхозлар, Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли совхоз ва Д. Элбоев номли колхоз, Косонсой районидаги Худойбердиев номли совхоз, Иштихон районидаги «Янгикент» совхози ва Фрунзе номли колхоз, Хива районидаги Киров номли, «Коммунизм», Охунбобоев районидаги Киров номли колхозларда шундай ҳолни кўриш мумкин.

«Главсредазирсовхозстрой»га қарашли совхозларда экин майдонлари структурасининг бузилиши кўпроқ кузатилмоқда. Янги ўзлаштирилаётган ерларда бедани кўпроқ экиш ўрнига асосан пахта экиляпти. Масалан, Қашқадарё областидаги совхозларда бедазорлар ҳажми 11-13 процентдан, Жиззах ва Сирдарё области совхозларида эса 10-11 процентдан ошмаётир. Кўплаб хўжаликларда пахтазорлар суғориладиган майдонларнинг тўртдан уч қисмини эгаллайди. Шундай ҳолни Қорақалпоғистон Автоном республикасининг пахтачилик ва шоличилик хўжаликларида кўриш мумкин.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, ишни шундай ташкил этиш илгарилари кутилган натижаларни берган эмас.

Алмашлаб экишни такомиллаштириш ва тўла тугаллаш асосида деҳқончилик маданиятини юксалтиришга эришилган, пахта етиштириш бўйича агротехник тадбирлар бутун комплексини юқори сифат билан ўтказган хўжалик ва районлар доимо ҳосилдорликнинг юқори бўлишига ва планларнинг сўзсиз бажарилишига эришмоқдалар. Бунга алмашлаб экиш 90—100 процент ўзлаштирилган Учқўрғон районидаги Ленин номли, Пахтачи районидаги Карл Маркс номли, Ангор районидаги Калинин номли колхозларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Бу хўжаликларда ҳосилдорлик 1971 йилга нисбатан гектар бошига 8—10 центнер ошди. Ҳар гектар ердан йилига ўртача 37—39 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олиш таъминланмоқда.

**Линияда «Совет Ўзбекистони» махсус мухбири К. Рихсиев навбатчилик қилди.**



## ТАДБИРКОРЛИК

**Оминахон Исроилова Қува районидаги Киров номли колхозга раиса қилиб сайланганида аввалига кўпчилик ҳайрон қолди. «У хўжаликни кўтара олармикан!» деган хаёлга боришди. Чунки, колхоз қолоқлар сафида бўлиб, давлатдан 2 миллион сўмдан ортиқ қарз эди. Орадан йиллар ўтди. Хўжалик қарзлардан батамом қутилди.**

**Мана, бешинчи йил бошланди. Колхоз ҳисобида ҳозир 550 минг сўм соф даромад бор. Хўжаликнинг ўзини тиклаб олишида оилавий пудратнинг аҳамияти катта.**

**Хўжалик миришкорлари бу йил 917 гектар майдонга чигит экиб, ғўзаларни меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Уларнинг нияти — ҳар гектар майдондан пландаги 30,4 центнер ўрнига 33 центнердан хирмон кўтариш.**

**Суратларда: 1. Раиса О. Исроилова. 2. Тошпўлат Содиқов бошлиқ оилавий звено маккажўхоризорда. 3. Т. Хожиматов саркор бўлган бригада аъзолари КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси материаллари билан танишмоқдалар. 4. Ғўзаларга ишлов бериш пайти.**

**В. Молгачев, Т. Ҳамроқулов фотолари.**







# РАҲБАР КЎП, ЖОНКУЯР ЙЎҚ

**АНДИЖОН ШАҲРИ БОЗОРЛАРИДА НАРХ-НАВО ПИШИҚЧИЛИК ПАЙТИДА ҲАМ ҚИММАТ**

Кейинги вақтда Шаҳрихон, Марҳамат бозорларида аҳолига қулайлик яратиш соҳасида анча ишлар қилинди. Бўз, Андижон районларида янги бозорлар қурилди. Андижон шаҳридаги янги бозор тартибга солинмоқда. Колхоз бозорлари область матлубот жамияти ихтиёрига берилди.

— Бозорлар бизга ўтгани яхши бўлди, — деди область матлубот жамияти правлениесининг раиси А. Ҳамидов. — Андижонда барча қулайликларга эга бўлган замонавий бозор йўқ эди. Биз ишни намунали бозор қуришдан бошламоқчимиз. Ҳозир лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаяпмиз.

— Лекин бозорларда тартиб-интизом бўш, ҳар ким билганини қиляпти. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари исталган нархда сотиляпти. Бир килограмм ўрик 3 сўм, гилос 3—4 сўм, шафтоли ҳам шу нархда. Аччиқ олманинг баҳоси 2 сўм. Помидор, бодринг, картошка, пиёз ҳануз бир сўмдан тушмаяпти. Сабзининг нархи ҳам бундан қолишмайди. Бу ҳол меҳнаткашларни ранжитмоқда. Нарх-наво нега бунчалик қимматлашиб кетди? Уни арзонлаштириш мумкинми?

Қўлимизда статистика ахбороти турибди: «Андижон областида 1,7 миллион аҳоли яшайди. Етиштирувчи оз, истеъмолчи кўп. Областда 21 минг гектарга яқин мевали боғ бор. Шундан 16 минг гектари ҳосилга кирган. Ўтган йили 107,6 минг тонна ҳўл мева етиштирилди. Ҳар гектар боғдан аранг 66 центнердан ҳосил олинди. Шунга қарамасдан область 20 та марказий саноат шаҳарларига 8,5 минг тонна сабзавот ва мева жўнатди».

Қишлоқ меҳнаткашлари ихтиёрида 22 минг гектар томорқа бор. Томорқа хўжалигидаги боғ-роғлар ҳам камайиб боряпти. Ўтган йили шахсий хўжаликларда 74,5 минг тонна сабзавот ва ҳўл мева етиштирилди. Бу, аҳоли жон бошига сочганда жуда оз.

Областда сабзавот ва мева етиштиришга ихтисослаштирилган 10 дан ортиқ хўжалик бор. Лекин бу хўжаликлар етиштирган маҳсулот давлат буюртмасидан ортмайди. Колхоз ва совхозларга ўзларида етиштирилган маҳсулотларнинг 30 процентини бозорларда сотиш ҳуқуқи берилган. 1987 йилда область колхоз ва совхозлари бозорларда 4517 тонна ўрнига 1648 тонна сабзавот ва мева сотди. Бу, денгиздан томчи, холос. Нега шундай бўлди? Сабаби аён: бирорта хўжалик давлат буюртмасини бажармагунча бозорда бир килограмм ҳам маҳсулот сотмайди. Давлат буюртмаси эса етиштирилаётган маҳсулотга нисбатан кўп. Область матлубот жамияти правлениеси раисининг ўринбосари С. Иминов билан шу хусусда суҳбатлашдик.

— Биз ўтган йили сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари тайёрлаш планини бажарган эдик, — деди у, — аҳолидан сотиб олинган маҳсулотнинг асосий қисми Бутуниттифоқ фондига жўнатилди. Лекин ўзимизнинг эҳтиёжимизни қоплай олмадик. Аниқроғи, областда сабзавот таъминоти плани 15 процент, полиз маҳсулотлари — 10 процент, мева таъминоти плани 2 процент бажарилди, холос. Бундай шароитда нарх-навони тушириб бўладими?

Бу йил 54 минг тонна сабзавот, 4 минг тонна ҳўл мева, 18,5 минг тонна қовун-тарвуз тайёрлашимиз керак. Сабзавотнинг 45 минг тоннаси аҳолидан сотиб олинади. Бутуниттифоқ фондига эса 40 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулоти жўнатамиз.

Деҳқон ўз маҳсулотини қимматроқ сотишни истайди. Агар бу бозорда унга арзонроқ сот дейилса, нариги бозорга олиб ўтади. Эндиликда колхоз ва совхозлар ҳам шу йўлга ўтиб олишди. Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхози ўтган йили Россияга 6,5 минг тонна (ҳар килограммини 1 сўмдан), Пахтаобод районидаги «Москва» колхози 600 тонна пиёз жўнатди. Хўжаобод районида Россияга мева жўнатадиган кооператив иш бошлади.

Бунинг устига марказий саноат шаҳарларида ташкил этилган кооперативларнинг вакиллари областга келиб, нақд пулга чекланмаган миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб кетишяпти.

Яна бир факт. Қўшни Қирғизистонда мева ва сабзавот маҳсулотларини харид қилиш баҳоси қимматроқ туради. Масалан, Андижон областида бир килограмм кўк помидор 80 тийин бўлганда, Ўшда у 1 сўм 10 тийиндан қабул қилинади. Андижон областининг 6 та райони Ўш области билан чегарадош. Шу боисдан шахсий хўжаликларда етиштирилган маҳсулотларнинг асосий қисми Қирғизистондаги тайёрлов идораларига бориб тушмоқда.

Бундай шароитда Андижон бозорларида нарх-навони тушириб бўлмайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархини арзонлаштириш учун уни фақат битта ташкилот тайёрлаши лозим. Амалда эса кооперативлар ҳам, колхоз ва совхозлар ҳам «Фойда оламан», деб чайқовчилик йўлига ўтиб кетдилар, маҳаллий партия, совет ташкилотлари: «қўяверинг, пул топса бас» деб уларга эрк бериб қўйдилар.

— Бозордаги нарх-навони туширишда колхоз ва совхозлардан келтириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари алоҳида ўрин тутади, — дейди Андижон шаҳридаги колхоз бозорлари дирекциясининг бошлиғи М. Дадахонов, — ҳар йили хўжаликлар билан маҳсулот келтириб сотиш бўйича шартномалар тузамиз. Амалда эса бу шартномалар тўла бажарилмайди...

Хўш, Андижон бозорларида қачон маҳсулот кўпаяди? Қачон маҳсулот нархи арзонлаштирилади? Эҳтимол бозорлар билан шартнома тузган хўжаликларнинг ҳисобини эшитиш фойдали бўлар? Бу саволларга балки халқ депутатлари Андижон область Совети ижроия комитетининг раҳбарлари жавоб берар?

**А. ҚУРОНБОЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

*Ўзбекистон ССР Олий Совети: сессиядан сессиягача*

# РЕЗЕРВЛАРНИ ТОПАЙЛИК, ОМИЛКОР БЎЛАЙЛИК

Самарқанддаги бир қанча магазинларда харидорларнинг қанчаси ўзига керакли буюмни тополмай қуруқ кетиши ҳисоблаб кўрилди. Харидорларнинг олтмиш-етмиш процентга қадари ҳеч нарса ололмай чиқиб кетишар экан. Ваҳолонки, улар магазинга шунчаки бекорчиликдан эмас, балки ўзларига зарур нарсани излаб киришади. Зарур нарсаларни эса таклиф эта олишмайди, «Пул-товар» омили иш бермай қолади, харидорларнинг маблағлари номаълум вақтгача «ўлик» пул бўлиб, муомаладан чиқиб қолади, амалда ўзининг асосий вазифасини, яъни ҳар бир гражданга ҳам, умуман бутун мамлакатга ҳам наф келтирадиган вазифасини бажармай қўяди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссиялари — План-бюджет ҳамда Савдо ва маиший хизмат комиссияларининг аъзолари мана шундай осон бўлмаган, аммо афсуски, одатдагидек бўлиб қолган вазият тўғрисида сўз юритдилар. Доимий комиссиялар ўзининг қўшма мажлисида Самарқанд области халқ депутатлари маҳаллий Советларининг аҳоли пул даромадлари ва харажатларининг мутаносиблиги таъминланиши борасидаги ишини муҳокама қилдилар. Бир қарашда гражданлар ишлаб топаётган маблағлар ҳар бир кишининг фақат шахсий ишидир. Бироқ Ўзбекистоннинг кўпгина меҳнатчилари ўз корхоналарида маош тўлашнинг кечикиши ҳолларига дуч келишган. Бу ҳол бутун жамиятга бевосита тааллуқли бўлиб, бундай кечиктиришларнинг манбаларини харидорнинг ўз шахсий пулини ҳамиша ҳам сарфлаш ва бу пуллар банк орқали ўтиб иш ҳақи тарзида ўз вақтида қайтарилиши учун уларни муомалага киритиш имкониятига эга бўлавермаслигидан ҳам излаш керак.

Демак, маҳаллий Советлар товар запасларининг тўлдириб турилишини доимо диққат марказида тутишлари керак, дейишди доимий комиссияларнинг аъзолари. Хўш, ниманинг ҳисобидан тўлдириб туриш керак? Маълумки, бизда чет эллардан мол харид қилиш қисқартирилди. Бошқа ўлкалар ва республикалардан мол олиб келиш баъзида қимматга тушади. Депутатлар ҳозир республикага кийим осиладиган вешалкалар ва ҳатто уй бекаларимиз учун фартуклар ҳам ташиб келтирилаётганлигини кулгили бир ҳол сифатида айтиб ўтдилар. Шундай товарларга бўлган талаб-эҳтиёжни батамом қондира оладиган биронта ҳам корхона наҳотки республикада топилмаса?

Комиссияларнинг мажлисида ҳисобот берган Самарқанд область ижроия комитетининг раиси А. Йўлдошев бу жиҳатдан умидвор қилмади. «Корхоналарнинг раҳбарлари бизнинг қарорларимизни бажаришга ҳамиша ҳам ошиқавермайдилар», деди у. Шу гапни айтиб, депутатларни ниҳоятда таажжублантириб қўйди: айниқса ҳозир, XIX партия конференцияси тугаганидан кейин бир неча кун ўтгач, шундай дейиш ўз заифлигини тан олиш билан баробардир. Депутатлар область ижроия комитетининг раисидан: Сиёсий бюронинг мажлиси тўғрисидаги ахборотда коммунистлар, партия, совет, касаба союз органлари қўшимча йўл-йўриқлар ва фармойишларни кутиб турмай, партия конференциясининг қарорларини рўёбга чиқаришга киришишлари керак, деб аниқ-равшан айтиб қўйилган экан, сизларга яна қандай ҳуқуқлар керак, деб ҳаққоний сўрадилар. Аммо Самарқанддагилар ҳамон кутиб туришибди...

Афтидан, бундай кутиб туриш ўтган йили масалан, Каттақўрғон районида аҳолининг пул даромадлари 4,3 процент ошгани ҳолда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 49 процент камайишига олиб келганди. Область ижроия комитетининг раиси эса доимий комиссиялардан: Министрлар Совети бизга фондларни кўпайтириб товарларни қўшимча равишда ажратса, яхши бўлур эди, деб илтимос қилмоқда. Бундай кайфиятни тайёрга айёрликдан бошқа нарса деб атаб бўлмайди.

Адолат юзасидан шуни қайд этиш керакки, бу йил областдаги аҳвол аста-секин яхшилик сари ўзгара бошлади. «Хотамтой амаки» ҳисобига шундай бўлаётгани йўқ. Масалан, кооперативларнинг фаолияти кучайтирилди. Ўтган йили кооперативлар юздан камроқ бўлса, эндиликда салкам уч юзтага етиб қолди. Илгари бу кооперативлар асосан умумий овқатланиш соҳасида ишлаган бўлса, ҳозирги пайтда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқиш билан дадилроқ шуғулланадиган бўлиб қолдилар. Кооператорлар фойдани ўз чўнтакларигагина солиб қолмай, шу билан бирга давлат хазинасига ҳам талайгина маблағ қўшмоқдалар.

Кўпгина резервлар борки, уларни ҳозирнинг ўзидаёқ ишга тушириш, зарур, дейишди депутатлар. Фақат Совет ҳокимиятининг ҳар бир маҳаллий органи ўзига қарашли территориянинг тезроқ хўжайини бўлиб қолиши, кўпроқ ташаббус, социалистик омилкорлик кўрсатиши, одамлар тўғрисидаги ғамхўрликдан келиб чиқиб, улар яхшироқ яшаши учун ҳамма ишни қилиши керак.

Доимий комиссияларнинг аъзолари ишлаб чиқилган ва қабул қилинган тавсияномаларда шу жиҳатдан туб ўзгартишлар дахл қилиши лозим бўлган Советлар фаолиятининг деярли барча томонларини эътиборга олдилар. Савдо-сотиқ, маиший хизмат, жамоат транспорти, маданий-маориф ва физкультура-спорт ташкилотларининг иши — хуллас инсон кундалик турмушига боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммаси халқ сайлаган депутатларнинг доимо диққат-марказида туриши керак.

**(ЎзТАГ).**

# Дунё овози

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

**ДАМАШҚ.** **АҚШ олтинчи флоти ва Исроил ҳарбий денгиз кучлари составининг кемалари келгуси ҳафта мобайнида биргаликда машқлар ўтказади.** Якшанба куни АҚШ олтинчи флотининг қўмондони адмирал Кендалл Мэрфи қўмондонлиги остидаги Американинг беш кемаси Исроилнинг Хайфа портига келди. Кемалар ичида Американинг етти минг ҳарбий хизматчиси бор. Сурия пойтахтидаги кузатувчиларнинг фикрича, Америка-Исроил қўшма ҳарбий-денгиз машқлари араблар дунёси кўз олдида кучларни намойиш қилиш мақсадида ўтказилмоқда. Машқлар жаҳон жамоатчилиги Америка ҳарбий-денгиз кучларининг кемаси Эрон пассажир самолётини шафқатсиз уриб туширганлигидан ташвишланаётган бир пайтда ўтказилаётганлиги факти диққатни ўзига жалб қилмоқда.

**ПРАГА.** **Жаҳондаги 59 давлатдан келган олим ва мутахассислар Чехословакия пойтахтида очилган XIV халқаро биохимия конгрессида иштирок этмоқдалар.** Ана шу нуфузли илмий анжуман программасига Прагада очилган асбоб-ускуналар, биохимия турли муаммоларига бағишланган материаллар ва адабиётлар кўргазмаси ҳам киритилган.

**(ТАСС).**

*Шарҳловчи минбари*

# «НАЗОКАТЛИ ИБОРАЛАР ДИПЛОМАТИЯСИ»

Социализмнинг халқаро майдондаги жозибаси, таъсир кучи ошган сари буржуа оммавий ахборот воситалари «назокатли иборалар дипломатияси» га зўр беряпти. Бу дипломатия қирраси кўп. Ўртача ва камроқ олисликдаги ракеталарни йўқ қилиш, ядро қуроли пойгасига чек қўйиш, тинч-тотув яшаш, экономика ва маданият соҳасида Совет-Америка ҳамкорликлари шулар жумласидандир. Буржуа мафкурачилари ана шу ижобий силжишларни кўрсатиш орқали ўзларини «қўй оғзидан чўп олмаган» ювош, самимийлик тарафдори қилиб кўрсатишга уриняпти ҳамда ўз ғояларини пардалаб ёйишга имкон қидиряпти. Бунинг учун энг аввало, ҳаммани бирдек қизиқтирадиган соҳаларга эътибор қаратилади. Масалан, озиқ-овқат нархи, маиший хизмат ҳақи шулар жумласидандир. Улар келтираётган мисолларга қараганда, айтайлик, товуқ шўрва тановул қилиш учун керакли маблағни топишга малакали ишчи Америка Қўшма Штатларида 18 минут, Совет Иттифоқида эса камида бир соат ишлаши, бир литр сут учун уларда тўрт, бизда 20 минут, бир дона кир совун учун эса уларда уч, бизда 17 минут ишлаши керак эмиш.

Буржуа мафкурачилари «назокатли иборалар дипломатияси» имкониятларидан келиб чиқиб, гоҳида капиталистик давлатлар зарарига билинар-билинмас хизмат қиладиган мисоллардан ҳам фойдаланадилар. Масалан, почта маркаси сотиб олиш учун Америка Қўшма Штатларида икки минут, бизда, эса бир минут ёки бир бош карам харидига сарфланадиган маблағни ишлаб топиш учун ҳар иккала мамлакатда 7 минутдан вақт сарфлаш кераклигини ҳисоблаб чиқишибди. Бизнинг мамлакатимизда сартарошга тўланадиган ҳақни 34 минут, Америка Қўшма Штатларида эса бир соату икки минут, автобус билети учун бизда уч, уларда 7 минут, бир килограмм нон учун бизда 11, уларда 18 минут вақт сарфланиши мисол тариқасида келтирилиб, капиталистик тузумга «тил» тегизишмоқда.

Юзаки қараганда ҳаммаси тўғри. Лекин масалага чуқурроқ ёндашсак, буржуа мафкурачиларининг бундай холислиги хўжакўрсин қабилидадир. Буни улар жўртага, атайлаб жаҳон жамоатчилиги фикрини долзарб ижтимоий муаммолардан чалғитиш учун қиляптилар.

Сир эмас, америкалик мутахассисларнинг маоши бизнинг мутахассисларникидан кўп. Аммо кўпчилик соҳалардаги нарх-навода фарқ кам. Аслида буржуа мафкурачилари капиталистик тузумда меҳнаткашларнинг даромади юқори, деган фикрни очиқ эмас, пардага ўраб ташвиқот қилишяпти. Бу масаланинг тескари, кўзга кўринмас томонлари ҳам бор. Масалан, биз саноат корхоналаримизни замонавий асбоб-ускуналар, дастгоҳлар билан таъминлашда баъзи тараққий этган капиталистик давлатлардан бироз орқадамиз, буни тан оламиз. Демак, сарфланган бир хил вақт ичида тайёрланган саноат маҳсулоти миқдорида фарқ бўлиши табиий. Кўп маҳсулот тайёрлаган кўп ҳақ олади, албатта.

Ўз навбатида биз ҳам бир-икки мисолни таҳлил қилмоқчимиз. Масалан, америкалик бир фарзандини шахсий коллежда ўқитиш учун йилига 11 минг 113 доллар тўлаши керак. Бунинг учун у фарзанди туғилган кунидан бошлаб, токи ўқишга боргунича кунлик маошининг 15-20 процентини жамғариб бориши лозим.

Капиталистик мамлакатларда уй-жой учун ижара ҳақи ниҳоятда юқори. 4 киши яшайдиган уй-жой ижара ҳақи учун бизнинг мамлакатимизда ўртача 6 соату 40 минут ишлаш керак, Америка Қўшма Штатларида эса 56 соат ишлаш талаб этилади. Яна бир мисол, касалхонада бир кун даволаниш учун америкалик 40 соатлик иш ҳақини тўлайди.

Бу хил мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, бир сўмга совет ишчиси ошхонада тўйиб овқатланиши ёки икки марта кинофильм томоша қилиши мумкин. Бир доллар эса бир бурда нон ва бир пиёла чойга ёки метрога бир марта йўлкира учун етади, холос. Кўриниб турибдики, буржуа мафкурачилари пардага ўраб тарғиб қилаётган капиталистик мамлакатларда меҳнаткашларнинг даромади юқори, деган фикри қуруқ сафсатадир.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан Америка Қўшма Штатлари президенти Рональд Рейганнинг Москва учрашувидан кейин буржуа мафкурачилари ўз самимийлиги ва холислигини кенг кўламда кўз-кўз қилиш мақсадида бор ҳунарларини ишга солиб, «назокатли иборалар дипломатияси» ниқобидан кенг фойдаланмоқдалар.

**М. РИХСИЕВ.**

